

70 - السَّادِسُ: عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِنَّ ثَلَاثَةً مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ: أَبْرَصَ، وَأَقْرَعَ، وَأَعْمَى، أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يَبْتَلِيهِمْ، فَبَعَثَ إِلَيْهِمْ مَلَكًا.

فَأَتَى الْأَبْرَصَ فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: لَوْنٌ حَسَنٌ، وَجِلْدٌ حَسَنٌ، وَيَدْهُبُ عَنِ الَّذِي قَدَرَنِي النَّاسُ، فَمَسَحَهُ، فَذَهَبَ عَنْهُ قَدْرُهُ وَأُعْطِيَ لَوْنًا حَسَنًا، قَالَ: فَأَيُّ الْمَالٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْبَلْ - أَوْ قَالَ: الْبَقْرُ، شَلَّ الرَّاوِي - فَأُعْطِيَ نَافَةً عُشَرَاءَ، فَقَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ فِيهَا.

فَأَتَى الْأَقْرَعَ فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: شَعْرٌ حَسَنٌ، وَيَدْهُبُ عَنِي هَذَا الَّذِي قَدَرَنِي النَّاسُ، فَمَسَحَهُ فَذَهَبَ عَنْهُ وَأُعْطِي شَعْرًا حَسَنًا، قَالَ: فَأَيُّ الْمَالٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْبَقْرُ، فَأُعْطِي بَقْرَةً حَامِلًا، فَقَالَ: بَارَكَ اللَّهُ لَكَ فِيهَا.

فَأَتَى الْأَعْمَى فَقَالَ: أَيُّ شَيْءٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: أَنْ يُرِدَ اللَّهُ إِلَيَّ بَصَرِي فَأُبْصِرَ النَّاسَ، فَمَسَحَهُ فَرَدَ اللَّهُ إِلَيْهِ بَصَرَهُ. قَالَ: فَأَيُّ الْمَالٍ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: الْغَنَمُ، فَأُعْطِي شَاهَةً وَالِدًا.

فَأَنْتَجَ هَذَانِ وَوَلَّهُ هَذَا، فَكَانَ لِهِذَا وَادِي مِنَ الْإِبْلِ، وَلِهِذَا وَادِي مِنَ الْبَقَرِ، وَلِهِذَا وَادِي مِنَ الْغَنَمِ.

شُمْ إِنَّهُ أَتَى الْأَبْرَصَ فِي صُورَتِهِ وَهَيْئَتِهِ، فَقَالَ: رَجُلٌ مِسْكِينٌ قَدِ انْقَطَعَتْ بِي الْحِيَالُ فِي سَمَرِي، فَلَا

بَلَاغٌ لِي الْيَوْمَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ بِكَ، أَسْأَلُكَ بِالَّذِي أَعْطَاكَ اللَّوْنَ الْحَسَنَ وَالْجِلْدَ الْحَسَنَ وَالْمَالَ بَعِيرًا أَتَبْلَغُ
بِهِ فِي سَفَرِي، فَقَالَ: الْحُقُوقُ كَثِيرَةٌ، فَقَالَ: كَأَيِّنِي أَعْرِفُكُمْ أَمْ تَكُونُ أَبْرَصَ يُقْدِرُكَ النَّاسُ، فَقَيْرَا فَأَعْطَاكَ
اللَّهُ؟! فَقَالَ: إِنَّمَا وَرِثْتُ هَذَا الْمَالَ كَابِرًا عَنْ كَابِرٍ، فَقَالَ: إِنْ كُنْتَ كَاذِبًا فَصَبَرَكَ اللَّهُ إِلَى مَا كُنْتَ.

وَأَتَى الْأَقْرَعَ فِي صُورَتِهِ وَهَيْئَتِهِ، فَقَالَ لَهُ مِثْلَ مَا قَالَ لِهَذَا، وَرَدَ عَلَيْهِ مِثْلَ مَا رَدَ هَذَا، فَقَالَ: إِنْ كُنْتَ
كَاذِبًا فَصَبَرَكَ اللَّهُ إِلَى مَا كُنْتَ.

وَأَتَى الْأَعْمَى فِي صُورَتِهِ وَهَيْئَتِهِ، فَقَالَ: رَجُلٌ مِسْكِينٌ وَابْنُ سَبِيلٍ، انْقَطَعَتْ يَدِ الْجِنَاحِ فِي سَفَرِي، فَلَا
بَلَاغٌ لِي الْيَوْمَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ بِكَ، أَسْأَلُكَ بِالَّذِي رَدَ عَلَيْكَ بَصَرَكَ شَاءَ أَتَبْلَغُ بِهَا فِي سَفَرِي؟ فَقَالَ: قَدْ
كُنْتُ أَعْمَى فَرَدَ اللَّهُ إِلَيَّ بَصَرِي، فَحُذْدَ مَا شِئْتَ وَدَعْ مَا شِئْتَ، فَوَاللَّهِ مَا أَجْهَدُكَ الْيَوْمَ بِشَيْءٍ أَحْذَدَهُ
لِلَّهِ تَعَالَى، فَقَالَ: أَمْسِكْ مَالَكَ، فَإِنَّمَا ابْتَلَيْتُمْ، فَقَدْ رُضِيَ عَنْكَ، وَسُخْطَ عَلَى صَاحِبِكَ» مُتَّفَقُ عَلَيْهِ
[خ 3464، 2964].

«وَالنَّاقَةُ الْعُشَرَاءُ» بِضَمِّ الْعَيْنِ وَفَتْحِ الشَّيْنِ وَبِالْمَدِ: هِيَ الْخَامِلُ. قَوْلُهُ: «أَشْتَجَ» وَفِي
رِوَايَةِ «فَتَسَاجَ» مَعْنَاهُ: تَوَلَّ نِتَاجَهَا، وَالنَّاتِجُ لِلنَّاقَةِ كَالْقَابِلَةُ لِلْمَرْأَةِ. وَقَوْلُهُ: «وَلَدَ هَذَا» هُوَ بِتَشْدِيدِ
اللَّامِ: أَيْ: تَوَلَّ وِلَادَتِهَا، وَهُوَ بِمَعْنَى نَتَاجٌ فِي النَّاقَةِ. فَالْمُؤْلِدُ، وَالنَّاتِجُ، وَالْقَابِلُ بِمَعْنَى، لِكِنْ هَذَا
لِلْحَيَّانِ، وَذَاكَ لِعَيْرِهِ. وَقَوْلُهُ: «انْقَطَعَتْ يَدِ الْجِنَاحِ» هُوَ بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَالْبَاءِ الْمُوَحَّدَةِ؛ أَيْ:
الْأَسْبَابُ. وَقَوْلُهُ: «لَا أَجْهَدُكَ» مَعْنَاهُ: لَا أَشْقِ عَيْنَكَ فِي رَدِّ شَيْءٍ أَفْ تَطْلُبُهُ مِنْ مَالِي، وَفِي
رِوَايَةِ الْبُخَارِيِّ: «لَا أَحْمَدُكَ» بِالْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَالْمِيمِ، وَمَعْنَاهُ: لَا أَحْمَدُكَ بِتَرْكِ شَيْءٍ تَحْتَاجُ إِلَيْهِ، كَمَا
قَالُوا: (لَيْسَ عَلَى طُولِ الْحَيَاةِ نَدَمْ) أَيْ: عَلَى فَوَاتِ طُولِهَا.

70. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «**Аллоҳ Бану Исроилдан уч кишини - пес, кал ва кўрни имтиҳон қилишни ирода этиб, уларга бир фариштани юборди. Фаришта песнинг олдига келиб, «Энг ёқтирган нарсанг нима?**» деди. У: «Чиройли ранг, чиройли тана ва одамлар жирканадиган нарсадан халос бўлишим», деди. (Фаришта) уни силаган эди, жирканч ҳолати кетиб, чиройли рангга эга бўлди. (Фаришта) «**Энг ёқтирган молинг нима?**» деб сўради. У: «Туя ёки сигир» деди. - Ровий иккиланган - **Фаришта унга бўғоз туя бериб, «Аллоҳ баракасини берсин», деди.** Сўнг у (фаришта) калнинг олдига келиб, «**Энг ёқтирган нарсанг нима?**» деди. У: «Чиройли соч ва одамлар жирканадиган нарсадан халос бўлишим», деди. (Фаришта) уни силаган эди, ўша ҳолат кетиб, чиройли сочга эга бўлди. (Фаришта) «**Энг ёқтирган молинг нима?**» деди. У: «**Корамол**», деди. (Фаришта) унга бўғоз сигир бериб, «**Аллоҳ баракасини берсин**», деди. Шундан кейин у (фаришта) кўрнинг олдига келиб, «**Энг ёқтирган нарсанг нима?**» деди. У: «**Аллоҳ кўзимни қайтариб берса-ю, одамларни кўрсам**», деди. (Фаришта) уни силаган эди, Аллоҳ унга кўзини қайтариб берди. (Фаришта) «**Энг ёқтирган молинг нима?**» деди. У: «**Кўй**» деди. Унга бўғоз кўй берилди. Нариги иккови болалади, буниси кўзилади, бири водий тўла туялик, бири водий тўла моллик, бири эса водий тўла қўйлик бўлди. Кейин у (фаришта) песнинг сурати ва кўринишида песнинг олдига келиб, «**Бир мискин одамман. Сафаримда барча сабаблар узилди. Бугун (манзилимга) этиб олишим аввало Аллоҳга, сўнг сенга боғлиқ бўлиб турибди. Сенга чиройли ранг, чиройли тана ва мол берган Зот ҳаққи, манзилимга этиб олиш учун бир туя сўрайман**», деди. У: «(Зиммамда) ҳақлар кўп», деди. (Фаришта) «**Мен сени танигандекман. Сен одамлар жирканадиган пес эмасмидинг?Faқир эмасмидинг? Кейин Аллоҳ сенга ато қилибди-ку?**» деди. У: «**Йўқ, мен бу мол-дунёни отабобомдан мерос қилиб олганман**», деди. (Фаришта) «**Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсин!**» деди. Кейин у калнинг олдига унинг сурати ва кўринишида келиб, унга ҳам песга айтган гапларини айтди. Кал ҳам пес жавоб бергандек жавоб берди. (Фаришта) «**Агар ёлғон гапирган бўлсанг, Аллоҳ аввалги ҳолатингга қайтариб қўйсин!**», деди. Кейин у кўрнинг олдига унинг сурати ва кўринишида келиб, «**Бир мискин, мусофири одамман. Сафаримда барча сабаблар узилди. Бугун (манзилимга) этиб олишим аввало Аллоҳга, сўнг сенга боғлиқ бўлиб турибди. Кўзларингни кўрадиган қилиб қўйган Зот ҳаққи, манзилимга этиб олиш учун бир қўй сўрайман**», деди. У: «**Мен бир кўр эдим. Аллоҳ менга кўзимни қайтариб берди. Хоҳлаганингни олиб, хоҳлаганингни қолдир. Аллоҳга қасамки, бугун Аллоҳ йўлида қанча олсанг ҳам парво қилмайман**», деди. (Фаришта) «**Молинг ўзингга буюрсин. Сизлар имтиҳон қилиндингиз, холос. Сендан рози бўлинди, анави**

икки шеригингга эса ғазаб қилинди», деди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдаги икки киши Аллоҳнинг ато қилган неъматларини унтиб, баҳиллик қилган ҳолда неъматни инкор қилиб, ёлғон сўзлашгани учун Аллоҳ уларга бардавом ғазабини сочди. Буларнинг барчаси баҳиллик сабаб юзага келди. Учинчиси кўзи кўр киши эса, Аллоҳнинг неъматини эътироф қилиб, унга шукр қилгани учун Аллоҳ унга неъматни қолдирди ва ундан рози бўлди. Олий ва фахрли мартаба кўтарилиб, унинг учун дунё ва охират неъматлари жамлаб берилди.

Бу ҳадисдан заиф ва бечораҳол кишиларга мулојим бўлиб, уларга икром кўрсатиш, имкон бўлса талаб қилган нарсаларини бериш, уларнинг қалбини синдириб, паст назар билан қарашдан огохлантириш бордир.

Манба: hadis.islom.uz

